



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 30 январь, № 22 (7524) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН Қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан уزلуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, "Паррандасаноат" уюшмаси, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси, Республика "Қорақўлчилик" уюшмаси ва "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг **Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгаши**ни (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин ҳамда Республика кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгашининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Чорвачилик соҳасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи **тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш**;

Чорвачиликнинг барча тармоқлари

ва **наслчилик соҳасини ривожлантириш** билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ҳамда бу борадаги мажбур муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

Чорвачилик соҳасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг чорвачилик тармоқларини **барқарор ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар** ижроси тўғрисидаги **ҳисоботларини** ҳамда **чорвачилик бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан ахборотларини мунтазам тинглаш**;

Чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулдорлигини ошириш ва озқуқориб экинлар уруғчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Чорвачилик ҳўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинишини ташкил этиш ҳамда чорва бош сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини назорат қилиш;

Чорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, илмий тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этиш ишларини йўлга қўйиш; чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, жумладан,

янги қувватларни ишга тушириш ва маҳсулотлар турларини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш; кадрларни тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қўйидаги тақлифлари:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва кўнчилик бўйича, шу жумладан, чорва комплексларини қуриш, йирик ва майда шохли наслдор чорва молларини харид қилиш, чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратилган **20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича 40 фоиз ставкасининг** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасини ошадиган, **лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига** компенсация ёки кредит суммасининг **50 фоиз миқдорда** кафилилик тақдим этиш;

б) Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига эквиваленти **20 миллиард сўмдан ошмайдиغان хорижий валютاداги кредитлар** учун тижорат банклари томонидан белгиланган **40 фоизга**

ча, лекин 4 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича **40 фоиз** харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу банд талаблари тижорат банкларининг кредитлари бўйича **40 фоиз** харажатларини қоплаш учун Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафилиликлар ва компенсацияларнинг аввал қабул қилинган ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган шартларига татбиқ этилмайди.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 — 2022 йилларда:

а) чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи ҳўжаликларга давлат томонидан қўйидаги тартибда субсидия ажратилади: республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик ҳўжаликларидан сотиб олинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига **1 миллион сўм** миқдорда; хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига **2 миллион сўм**, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига **400 минг сўм** миқдорда;

б) "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига аъзо бўлган интенсив усулда балиқ етиштирувчи ҳўжаликларга давлат томонидан қўйидаги тартибда субсидия ажратилади: интенсив усулда етиштирилган бир тонна балиқ маҳсулоти учун **1 миллион сўм** миқдорда;

(Давоми 2-бетда).

Янги Ўзбекистон — Янги Парламент

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, реал даромадларини оширишга хизмат қилади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида юртимизда 2020 йилни — "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилди. Шунинг билан ифтихор билан таъкидлаш мумкинки, ушбу Мурожаатномани нафақат жорий йилга қўлланма ва йўлланма сифатида, балки Ўзбекистоннинг яқин ўрта муддат учун тараққиёт йўлини белгилаб берувчи дастур сифатида, фундаментал аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.



Илмсиз, маърифатсиз жамият ва мамлакат тараққиётини тасаввур қилиш мушкул. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг асарига "Билмисиз киши мевасиз дарахтдир, мевасиз дарахтни оч киши нима қилсин?!" деб илм-маърифатнинг ўрни нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатиб ўтган. Давлатимиз раҳбари томонидан илм-маърифатга алоҳида урғу берилиши ва бу орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масаласи кун тартибига қўйилиши иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатдан кучли, бозор иқтисодиёти қонунлари тўлиқ амал қиладиган демократик давлат қуришга қаратилган муҳим қадамифолидир.

Таъкидлаш лозимки, Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони Ҳукумат томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига ва ҳаётга татбиқ этилишига асос бўлди.

Жуда кўпчилик рақамли иқтисодиёт негара керак ва нима беради, деб ўйлаш мумкин. Рақамли иқтисодиёт деганда, фақатгина Блокчейн (Blockchain) технологиясини ва улардан халқаро молия бозорларида фойдаланиш масалаларини ёки криптовалюталарни тушуниш керак эмас. Албатта, Блокчейн технологияси, криптовалюталар ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги. Лекин рақамли иқтисодиётнинг (Digital Economy) деганда, рақамли коммуникациялар, IT ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. Бунда, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки биринчидан, ҳамма амалга ошириладиган операциялар электрон рўйхатдан ўтишига, иккинчидан, ҳамма нарса шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги IT қўлланилиши тўғрисида маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасааяди ва рақобатбардорлиқ ошади. Иқтисодиётимиз рақобатбардор бўлмас, бозор қонунлари тўлиқ амал қилмас экан, иқтисодий ислохотларнинг натижаси сезиларли бўлмайди.

Жаҳон банкининг "Рақамли дивидендлар" номли тадқиқоти хулосалари мамлакатлар

иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши мамлакат ЯИМ ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу курсаткич 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган мамлакатларда 1,38 фоизга тенг. Демак, интернет тезлиги 2 баробар ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми ҳам қарийб 15 фоиз ортишига эришиш мумкин.

Жаҳондаги глобализация шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, IT ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилётган ислохотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларини ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. "Электрон ҳукумат", "Электрон бошқарув", "Телекоммуникация", "Интернет", "Веб-сайт" каби кўплаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмақда.

Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади.

Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлади. Бунда илмий сиғимкорлик юқори бўлган тармоқлар рақамли топади.

Рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларда ЯИМ ҳажми ҳам, ЯИМнинг аҳоли сон бошига улуши ҳам юқоридир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг бу масалага катта эътибор қаратиши бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса, биринчидан, аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва халқимизни рози қилишдир.

Янги Ўзбекистоннинг умидли ёшлари: «ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИ БИЗНИ ЎЗ САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН САРОФЛАШГА УНДАЙДИ»

Акс садо
Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилди.
Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар ўзини шу юрт тақдирига дахлдор деб билган ҳар бир кишини гоятда руҳлантиришмоқда. Қуйида "Эл-юрт умиди" ва собиқ "Умид" жамғармалари стипендиатларининг бу борадаги дил сўзлари билан танишасиз.

6-саҳифага қаранг

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинмоқда.

Жараён

Лойиҳа Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси бўйича ўзгариш ва янгиланишлар ўзини шу юрт тақдирига дахлдор деб билган ҳар бир кишини гоятда руҳлантиришмоқда. Қуйида "Эл-юрт умиди" ва собиқ "Умид" жамғармалари стипендиатларининг бу борадаги дил сўзлари билан танишасиз.

Лойиҳага кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланади.

Миллий стратегияни қўллаб-қувватлашдан мақсад — мамлакатда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишнинг муҳим, зарурий шарт, давлатнинг жаҳон майдонидagi рақобатбардорлиги, унинг барқарор ривожланиши ва демократик янгиланиши кафолати сифатида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий вазифа ҳамда йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

Стратегия лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали, яъни regulation.gov.uz орқали танишиш мумкин.

«Халқ сўзи».

ДУНЁ НИГОҲИ «Халқ сўзи» учун махсус

Хорижлик экспертлар: МУРОЖААТНОМА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАДАЛ ВА ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР КЕЧАЁТГАНИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, академик доиралари ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан катта қизиқиш билан қўйиб олинди. Халқаро экспертларнинг мазкур дастурий ҳужжатда қайд этилган долзарб масалалар бўйича билдирилган шарҳлари фикримизга мисол бўлади.

Хидеки МОРИ, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Ўзбекистон Президенти Мурожаатномада долзарб масалаларга тўхталиб ўтди. Жаҳон банки вакили сифатида пахта ва бугдой етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилишга бўлган қатъий қарорни олқишлайман. Ушбу масала мажбурий меҳнат билан чамбарчас боғлиқ бўлгани сабабли Президент сый-харажатлари Ўзбекистон учун ижобий ўзгаришлар олиб келади, деган умиддамиз.

Мурожаатномада эътиборимни тортган яна бир жиҳат — аҳолини турархонада рўйхатга олиш — "прописка" масаласидир. Боиси иш ва яшаш учун одамларга танлаш ҳуқуқи ва мамлакат бўйлаб бемалол харажатланиш имкони берилиши керак. Ушбу масалалар узок йиллардан буюн ўз ечимини кутаётгани рост. Буни кун тартибига олиб

Алан ДУНКАН, Буюк Британиянинг Европа ва Америка масалалари бўйича собиқ давлат вазири:

— Дунё Ўзбекистондаги жараёнларни диққат билан кузатишда ва эришилаётган ютуқлардан тобора хайратланмоқда. 2019 йил Ўзбекистон учун муҳим давр бўлди: парламент ва маҳаллий Кенгашларга адолатли, муваффақиятли сайловлар бўлиб ўтди. "The Economist" нашри Ўзбекистонни 2019 йилда энг катта ютуқларга эришган мамлакат, деб эътироф этди. Бу Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жадал ва ижобий ўзгаришлар кечаётганини тасдиқлайди.

Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида аниқ натижаларга эришишга қаратилган гоҳ, режа ва тақлифлар ўрин олган. Мамлакат ўз тараққиёт

йўлидан бормоқда ва Ўзбекистон ёшлари яратилаётган янги имкониятлардан мамнун бўлиши керак. Давлат раҳбарининг интилишлари тўғрисида ёш авлод вакиллари келажакка ишонч билан қарашмоқда. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, кексалар ва хотин-қизларни эъзозлашдек маърифатли сиёсат диққатга сазовордир.

Этилган демократик стандартларга мос тарзда таъкидлагандек, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлагандек, "Сайловлар Ўзбекистонимиз учун катта сиёсий имтиҳон бўлди. Халқимиз бу синовдан ёрғуз юз билан ўтди".

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мирзо Улугбек АБДУСАЛОМОВ билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа яқунлари ҳақида сўхбатлашдик.

Янги Ўзбекистоннинг янги сайловлари: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ қарийб икки йил давом этган гоҳта маъсулиятли жараён яқунланди: мамлакатимиз янги парламенти ҳамда маҳаллий Кенгашлари шакллантирилди. Ҳукумат ва ҳокимлар таркиби янгиланди. Сайловлар кўппартиявийлик ва муқобиллик, ошқоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида, дунёда умумэътироф

Бизнинг интервью

Ёрғуз юз билан

— Мирзо Улугбек Элчиевич, ўтган сайловларнинг Сизни энг қувонтирган жиҳатлари нимада бўлди?

— Ҳаммамизнинг юзими эрғуз қилган омиллар ҳақида гапирадиган бўлсак, энг аввало, сайловларнинг мамлакатимизда мустақам қарор топган тинчлик ва оқоийишликда, халқимизга хос

бағрикенглик ва олижаноблик, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, сиёсий-ҳуқуқий маданият, қадимий анъаналаримизга мос муҳитда ўтганини таъкидлаган бўлар эдим.

Баъзи давлатларда бўлгани каби демократияни бошбошдоқлик, сўз эркинлигини бетгачопарлик, деб тушуниш, жамоат тартибини кўпол равишда бузиш ҳолатлари кузатилмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараён адолатли, ҳалол ва шаффоф, умумэътироф этилган стандартлар ва энг мақбул амалиётлар, мамлакатимизнинг сайловлар соҳасидаги мажбуриятларига биноан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган **1 дона наслдор она балиқнинг 3,5 миллион сўмгача бўлган** харажатларининг **50 фоизи** миқдорига;

в) “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжалиқлари хар бир бош **1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш** билан боғлиқ харажатларнинг **9 минг сўмини** қоплаш учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

4. 2020 йилда сотиб олинган наслдор:

а) қорамоллар учун ажратилган субсидиянинг умумий суммаси:

республика ҳудудига фаолият юритаётган наслчилик хўжалиқларидан сотиб олиш учун **10 миллиард сўм** миқдорига;

хорижий давлатлардан импорт қилиш учун **40 миллиард сўм** миқдорига;

б) қўй ва эчкиларни импорт қилиш учун ажратилган субсидиянинг умумий суммаси **6 миллиард сўм** миқдорига белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалиқларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжалиқларига субсидия бериш харажатларини 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига Ўзбекистон Республикаси Президенти топширилган мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун қўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланишини таъминласин ва 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида тегишли маблағ ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини ишлаб чиқиш учун мустақил консалтинг компанияларини ўрнатилган тартибда жалб қилган ҳолда таклифлар ишлаб чиқсин ва **2020 йил 1 июлга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қўриб чиқиш учун киритсин.

Бунда мустақил консалтинг компанияларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан қоплансин;

б) Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат боғхона қўмитаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда ўн беш кун мuddатда мазкур қарорнинг 3-бандида белгиланган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалиқларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжалиқларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартибларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда субсидия бериш “Ўзбекчорванасл” агентлиги томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясига асосланган

ҳолда **2020 йил 1 июлга қадар** 2021-2022 йилларда республикада фаолият юритаётган наслчилик хўжалиқлари томонидан сотилган ва импорт қилинадиган наслдор қорамоллар, қўй ва эчкилар ҳамда жўжалар сонидан келиб чиқиб, ажратилиши керак бўлган субсидия ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инobatта олиш учун Молия вазирлигига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда чорвачилик соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ва чоратадбирларга Осие тараққиёт банкининг чорвачиликни ривожлантириш учун **150,0 миллион АҚШ доллари** миқдорига кредит маблағлари йўналтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар сунъий сув ҳавзаларининг ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, ушбу майдонларга ер солигининг табақалаштирилган ставкаларини қўллаш бўйича асосланган таклифларни Молия вазирлигига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги киритилган таклифлар асосида ер солигининг табақалаштирилган ставкаларини қўллашнинг 2021 йил бюджети лойиҳасини тайёрлашда инобатга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар балиқ етиштирувчи хўжалиқларга бириктирилган сунъий ва табиий сув ҳавзаларининг кадастр ҳужжатларини “Ўздаверлоийҳа” институтини билан ўзаро шартнома асосида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

а) **2020 йилда яёвловлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПФ–5742-сон Фармонида назарда тутилган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган сугориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан озуқабоб экинларни етиштиришни йўлга қўйиш** учун чорвачилик хўжалиқларига ажратиб берилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда **пахта-тўқимачилик кластерлари ва пахтачилик-галлачилик йўналишидаги фермер хўжалиқлари экин майдонининг 10 фоизига** беда экилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан

биргаликда ушбу топшириқ ижроси юзасидан Республика кенгашига 2020 йил 1 майга қадар ахборот киритсин.

12. Республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик хўжалиқлари озуқабоб экинлар экин учун чорва моллари ва парранда бош сонига мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини доимий равишда назорат қилиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти хузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ходимларини жалб қилган ҳолда жойларда сут соғувчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича қисқа мuddатли ўқув курсларини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари ва “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда паррандаларнинг юқори маҳсулдор экинлари ва кроссларини урчишти билан шуғулланувчи гўшт йўналишидаги II тартибли репродуктор наслчилик паррандачилик корхоналари фаолиятини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва “Uzbekistan Airways” АЖнинг 2022 йил 1 январга қадар “Паррандасаноат” уюшмаси тарихидаги паррандачилик корхоналарига ўзи ишлаб чиқарган тухум ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилишда, наслдор инкубацион тухум ва наслдор бир кунлик жўжаларни, вакцина, ветеринария дори воситаларини импорт қилишда, истисно тариқасида, амалдаги ҳаво транспортида ташиш тарифларига нисбатан 20 фоизлик чеғирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда озуқа экин майдонларидан келиб чиққан ҳолда 2020 — 2022 йиллар учун озуқабоб экинлар уруқчилигини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

10 кун мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалига ўқув-тажриба участкаси учун Янгийўл тумани ҳудудидан 30 гектар;

бир ой мuddатда “Ўзбекчорванаси” агентлиги хузуридаги “Ўзнасчилик” давлат корхонасидаги наслдор буқаларни озиклантириш учун озуқабоб экинлар экинга Қибрай, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳудудидан 80 гектар сугориладиган ер майдони ажратилишини таъминласин.

17. “Паррандасаноат” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жой-

лашган бино ва иншоотларда бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

18. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4005-сон қарори 5-бандида белгиланган компенсация бериш тартиби лизинг ташкилотларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

20. Мазкур қарор ижроси юзасидан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров — мазкур қарорда белгиланган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалиқларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжалиқларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озик-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Д. Ваҳабов — чорва хўжалиқларига ер майдонларини ажратишни таъминласин, мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин, ҳар ойда уларнинг бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б. Т. Норқобиллов — чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва қўнчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳаларни амалга оширилишини ҳамда ажратилган субсидия маблағларидан самарали фойдаланилишини таъминласин, чорвачилик хўжалиқларига маҳсулдорликни оширишга қўмақлашини, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — чорвачиликнинг барча тармоқлари, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва қўнчилик йўналишида лойиҳаларни амалга оширишдаги ташаббускорларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда қўнчиликда белгиланган меъерлар асосида ер майдонларини ўз вақтида ажратсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Қўчимов ҳамда **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А. Д. Халдаев** — мазкур қарорнинг **масъул моҳияти** ва амалий аҳамиятини ёритишга оид **мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар** ташкил этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 январь

Хорижлик экспертлар:

МУРОЖААТНОМА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАДАЛ ВА ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР КЕЧАЁТГАННИ ТАСДИҚЛАЙДИ

1 Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатни модернизация қилиш ва “ҳалоллик вакцинаси”ни жорий этиш орқали иқтисодиёт ва одамлар ҳаётидан коррупцияни йўқ қилиш борасидаги қатъияти халқро қузатувчиларда катта таассурот қолдирганига ишончим комил. Давлат раҳбари Ўзбекистонга сармоёларни кенг жалб этиш ва мамлакатни бизнес учун

жозибдор қилиш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Президентнинг банк тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ташаббуслари Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончининг янада мустаҳкамлашида муҳим қадамдир. Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси диққатга сазовордир. Бошқа мамлакатлар эса Ўзбекистоннинг ривожланиши йўли бўйича тажрибасини ўрганиши керак.

1 **Ёзеф КАЛИНА,** “Unique Relations” PR агентлиги бош директори, Австрия канцлерининг собиқ матбуот котиби:

— Ўзбекистон Президентини жорий йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши, шунингдек, ҳукумат учун 2020 йилга мўлжалланган мақсад ва вазифаларнинг белгиланиши узок йиллар Ўзбекистон халқи фаровонлигига хизмат қилиши ба- рабариди, халқро муносабатларнинг жорий ҳолати ва геосиёсий вазиятга тўлиқ мос келади.

Оммавий ахборот воситаси вакили сифатида Ўзбекистон Президентининг соҳада эркинлики таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истардим. Давлат раҳбарининг тизимдаги муаммолар ва камчиликларни очиб ёритишда профессорлар журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлиги мамла-

катда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва ўз халқининг фаровон келаётиши таъминлашга бўлган интилишини намойиш этди.

Яратилаётган ҳуқуқий асослар ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ҳар томонлама ривожланиши, журналистлар ва блогерларнинг фаолиятига тўқсинлик қилмаслик, шубҳасиз, мамлакатнинг халқро рейтинглардаги сифат ва миқдорий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

Бошқа давлатларда Ўзбекистон сўнги уч йилда қўлга киритган натижаларга эришиш учун кўп йиллар талаб этилган.

Узоқ йиллар давомида Марказий Осие давлатларида меҳнат қилдим ва ишонч билан айтишим мумкин, Ўзбекистонда барча



соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг минтақадаги бирор-бир мамлакат билан таққослаб бўлмаيدди. Ишончим комилки, Ўзбекистон Президентини томонидан 2020 йил дастурига киритилган устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида қўйилган мустаҳкам пойдевор давлатнинг келгусида янада гуллаб-яшнашида алоҳида ўрин тутаяди.

Писеспорн ВАСАВОНГ, Таиланд Молия вазирлиги Фискал тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи:

— Ўзбекистон Президентини парламентга Мурожаатномасида бугунги Ўзбекистон учун долларб масалаларга тўхталди. Унда мамлакатни “Бизнес юретиш” рейтингидида кучли 50 талиқдан ўрин олган давлатлар қаторига киритиш бўйича билдирилган фикрларни муҳим, деб ҳисоблайман.

Президент Шавкат Мирзиёев кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлашдаги прагматик ёндашувини намойиш этди. Шунингдек, фискал институтини яратиш госясини маъқуллашди. Бунга ўхшаш амалиёт қўллаб мамлакатларда синовдан ўтган ва унинг иқтисодий ривожланиши нуктаи назардан самарадорлиги исботланган. Шу боис буни ўз вақтида қабул қилинган қарор, дейиш мумкин.

Ишончим комил, 2020 йил Ўзбекистоннинг давлат, жамият ва иқтисодий ҳаётида туб бурилиш нуктаси бўлади. Буни сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижаларини бера бошлагани билан изоҳлаш мумкин.

Маркабай АМАТОВ, Қирғизистон халқ шоири:

— Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасидаги янги ташаббус ва режалар нафақат Ўзбекистон, балки унга қўшни давлатлар учун ҳам муҳимдир.

Биргина мисол. Инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истикболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан транзит салоҳиятини 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжудлиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан биргаликда фуқаролар транзити соҳасида қўлабилклар яратиш, транспорт ва темир йўл харажатларида энгилликлар жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Бу, ўз навбатида, маданий-гуманитар алоқаларни янада яхшилаш, туризмин ривожлантириш, сайёҳлар учун зарур шароитлар тақдим этиш сари йўлдир.



Ўзбекистонда бўлгани каби Қирғизистонда ҳам 2020 йилга мамлакатни рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу тариқа икки қардош ва максаллари муштарақ халқ ривожланишининг янги босқичига ҳам биргаликда қадам қўяди.

«Дунё» АА.

Анжуман

АГАР ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИЛМАСА, 2050 йилга бориб...

2019 йилда амалга оширилган чорвачилик лойиҳалари доирасида чет давлатлардан 145 минг бошдан зиёд қорамоллар, шу жумладан, 30 минг бош насли қорамол, 217 минг бошдан зиёд қўй ва эчкилар олиб келинган. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси масъулларининг айтишича, уларнинг асосий қисми фермер хўжалиқларида парвартирилиб, кўпайтирилмоқда. Сабаби чорвадорлар олдида наслчиликни ривожлантириш орқали импортчидан экспортчига айланиш вазифаси қўйилмоқда.

Чорвадорлар бу вазифани нечоғли уздашмоқда? Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда чорвачиликнинг янги даври, истиқбол ва муаммолар” мавзусидаги халқро конференцияда ушбу саволга жавоб берилди. Таъкидланганки, деярлик Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори чорвачилик соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишга замин яратди. Ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, замонавий чорвачилик комплексларини ташкил қилиш, чорва моллари наслини яхшилаш, айниқса, эътибордан четдан қолиб келаётган масала — озуқа тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Натижада 2019 йилда 10 млн. 711 минг тонна суг (2018 йилдагига нисбатан 102,3 фоиз), 2 млн. 465 минг тонна гўшт (тирик вазнда, 2018 йилдагига нисбатан 101,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Мутаяхассисларнинг айтишича, ўтган йили чорвачилик йўналишида 1,5 трлн. сўмлик 853 та лойиҳа ишга туширил-

гани чорва маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш имконини берди. Янги республикамизда қорамоллар сони қарийб 13 млн. бошга етказилди. Германия, Туркия, Исроил, Австрия, АҚШ, Нидерландия, Швеция каби давлатлар соҳа мутаяхассислари иштирок этган тадбирда қайд этилганидек, тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш зарур. Чунки БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотини (ФАО) ҳисоботида келтирилишича, 2050 йилга бориб, дунё аҳолиси сони 9,7 млрд.га етиши шубҳасиз бўлади. Бунга эришиш учун қишлоқ хўжалигида интенсив усулларни қўллаб, ишлаб чиқаришни 80 фоизга оширишни тақозо қилади. Бунга эришиш магдан давлатлар ўта қийин аҳволга тушиб қолиши эҳтимоли бор.

Бугун Ўзбекистонда аграр соҳа ислоҳ қилиниб, унинг барча тармоғида кластер тизимига ўтилаётгани, амалиётга илғор инновациялар, интенсив технологиялар изчил қўлланилаётгани замирида аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсади ётибди.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИНИ ЮРТИМИЗДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН, ҲАР БИР ОИЛА БУГУН ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТИШИ КЕРАК

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида нафақат 2020 йил, балки ундан кейинги йиллар учун мўлжалланган долзарб масалалар, хусусан, ҳар бир инсонни бахтли қилишга қаратилган вазифалар қамраб олинган бўлиб, у юртдошларимиз томонидан ўзига хос маёқ сифатида баҳоланмоқда. Буни парламент ва жамоатчилик вакиллари сўзлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Экспертларнинг фикрича, 2020 йилдан бошлаб йирик банкларнинг қарийб 30 фоизидан ортиги Ўзларнинг иш фаолиятида Blockchain технологиясидан фойдаланишни бошлаб юборишди. Бунга Blockchain технологиясининг нисбатан эндигина яратилганига қарамасдан, унинг мавжуд бизнес жараёндаги инқилобий ўзгаришларни қамраб олгани мо-

ташқил этган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 85 фоиздан ортиди. Аниқроқ тушунтирадиган бўлсақ, бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўрни алмашди. Рақамли активлар — бу молиявий ҳисоботларни тузишда ҳисобга олинмаган рақамли шаклдаги номоддий активлардир. Жаҳоннинг машҳур "McKinsey" экспертларининг баҳолаши бўйи-

ҳаридларни амалга ошириши ва фақатгина мобил қурилма ёрдамида дунёнинг исталган жойига пул маблағлари ўтказиши мумкин. Тўлов тизимлари ва банк ахборот тизимлари рақамли активлардан кенг фойдаланади. Рақамли активларнинг асосий компонентлари сифатида интеллектуал мулк объекти ҳисобланади. Интеллектуал фаолият на-

ди. Бунда асосий эътибор рақамли маълумотларга руҳсатсиз қилиш, уларни ахборот воситачиларидан химоя қилган ҳолда ҳавфсизлигини таъминлаш ва ахборотлар узатишнинг соддалигини таъминлашга қаратилади лозим. Рақамли активларни бошқаришнинг муҳим муаммоларидан бири — бу уларнинг ҳуқуқий химоясидир. Таъкидлаш лозимки, қисқа вақтларда ва оригинал-

ри эмитентлари сотувчилардан ахборот алмашинувида юқори ҳавфсизлик чораларини кўриш шартларини талаб этишган. Жаҳонда рўй бераётган сўнгги трендларни ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки дунёда бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўз ўрнини жадал алмаштириши даврида биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортга қаратмасдан, балки ноу-хау, блокчейн технологиялари фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шу билан бирга, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

НУРОНИЙЛАР ЎЗ ИБРАТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ЁШЛАРГА НАМУНА БЎЛИШИ ЛОЗИМ
Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини бевосита тинглаш асосида кўнглимда турли фикрлар кечди. Айниқса, у кишининг чуқур ва аниқ рақамларга асосланган таҳлилий, амалий ва танқидий рўҳдаги фикрлари, шунингдек, бор салоҳият ва имкониятларимизни сафарбар қилиш борасидаги жонқуярликларимизнинг қалбимизга ҳам кўчди.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, реал даромадларини оширишга хизмат қилади

лия бозорлари иштирокчилари орасида улкан қизиқиш уйғотганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Маълумки, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қиймат яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборотлар корпоратив бизнеснинг стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларнинг рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самардорлигига таъсир кўрсатяпти. Рақамли технологиялар ривожланиши охири-оқибат номоддий активлар, яъни физик жиҳатдан мавжуд бўлмаган номонетар активларни олиб келмоқда. Масалан, 1975 йилда Американинг йирик корпорациялари номоддий активлари 17 фоизни

ча, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10 фоизи рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30 фоизига тенг. Рақамли активларнинг ривожланиши акселератор (тезлаштирувчи) ҳаракатига ўхшайди. Ўз навбатида, рақамли активлар ривожланишида ижтимоий тармоқларнинг ўрни муҳим. Ижтимоий тармоқлар рақамли бизнеснинг тараққи этишига ҳам кенг имкониятлар яратиб беради. Рақамли иқтисодиётнинг замонавий кўриниши сифатида мобил тўлов тизимларини кўрсатиш мумкин. Бунда ҳаммаимизга маълумки, мижозларнинг смартфонлари банкдаги ҳисоб рақамларга боғланган бўлади. Бу, шунингдек, мижозларга онлайн

тижарига эгаллик ҳуқуқига фақатгина компания эга бўлади. Бундай активларга мисол қилиб, иختиро патентига мутлақ ҳуқуқ, компьютер дастурларига мутлақ ҳуқуқ ва маълумотлар базасини келтириш мумкин. Хозирги вақтда рақамли активлар билан бирга, рақамли активларни бошқариш тизими ҳам тез суръатларда ривожланмоқда. Рақамли активлар бўйича глобал иштирокчилар сифатида "North Plains Systems Corporation", "Open Text Corporation", "Widen", "Net Xposure, Inc.", "Media Veason, Inc.", "Hewlett-Packard Company", "WebDAM" каби йирик халқаро корпорацияларни мисол қилиб келтириш мумкин. Рақамли активларни бошқаришда ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш муҳим омил санала-

дан камроқ харажат қилиб рақамли активлар нусхасини яратиш ҳамда ишга тушириш мумкин. Бу, албатта, рақамли активларнинг умумий даромадига таъсир қилади. Рақамли активларни бошқаришда булутли технологиялардан фойдаланиш асосий шартлардан бўлиб, техник, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ахборотлар химояси бўйича усулларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Рақамли активларнинг ривожланиши рақамли тижоратнинг ривожланишига тасаввур қилиш қийин. Рақамли тижорат эса, содда ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратишни талаб этади. Биринчи "онлайн" тўлов тизимларига хизмат кўрсатишда аҳоли ўртасида кенг тарқалганлиги сабабли кредит ва дебет карталаридан фойдаланилган. "Visa" ва "Master Card" кредит картала-

ри эмитентлари сотувчилардан ахборот алмашинувида юқори ҳавфсизлик чораларини кўриш шартларини талаб этишган. Жаҳонда рўй бераётган сўнгги трендларни ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки дунёда бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўз ўрнини жадал алмаштириши даврида биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортга қаратмасдан, балки ноу-хау, блокчейн технологиялари фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шу билан бирга, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Яна бир жиҳатга тўғри келиши зарур. Президентимиз рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилади. Бунинг сабаби Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳоли илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан тараққи этган давлатлар қаторига қўшишдан иборатдир. Бу инқилобий ёндашув фақатгина буюк иқтисодий сакрашлар орқали халқнинг турмуш даражасини ошириш, аҳоли фаровонлигига биринчи даражада масала сифатида қараш — ҳақиқий халқлараро етакчилик ҳосилга билан аҳамиятlidir.

Шунингдек, "Таълим ва тарбия — давлат ва жамият ҳаётидаги улғун иш", "Ёшлар тарбияси — ҳар бир кишининг муқаддас бурчи" деган тамойиллар ҳаётимизда ўз ифодасини топиши учун ёшларимизни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ҳамда миллий оилавий қадриятлардан келиб чиқиб, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлашда нурунийларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш чораларини кўраимиз.

Содиқжон ТУРДИЕВ, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамағати раиси, сенатор.

Ҳукумат, тармоқ ва худудлар раҳбарларининг ҳисоботи мунтазам эшителиди

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномаси ҳар сафар катта сиёсий воқеага айланади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Давлат бошқаруви бундай демократик усули бугун юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, халқ билан мулоқот принципига ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, барчамизнинг иш фаолиятимиз самардорлигини оширишга хизмат қилиши баробарида, соҳалар тизимли ривожда ҳам муҳим дастуриламал бўляпти.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ «ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ»

Мурожаатномада Президентимиз мамлакатимизнинг ривожланишига тўсик бўлаётган долзарб масала — коррупцияни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатлами, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзоси, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимиизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз, деди. Таъкидлаш жоиз, коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиши. Давлат конституциявий асосларини, қонун устуворлигини заифлаштиради, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис коррупция мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмайди, коррупцияга қарши курашишда давлат ва жамиятнинг ўзаро жиқслиги талаб этилади. Айтиш мумкин, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар фаолият юритмоқда. Улар коррупцияга қарши кураш бўйича жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий

муҳофаза қилувчи органларнинг Олий Мажлис палаталари олдидики ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириб, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштироки шифоф ва самарали усулларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этапти. Аммо бугунги ҳолат ушбу иллатга қарши янада кенг қўламли, янада таъсирчан чоралар кўришни тақозо этмоқда. Шу маънода, Президентимиз ўз Мурожаатномасида асосий мақсади коррупцияга қарши аёвсиз курашиш бўлган алоҳида давлат тизимларини ташкил қилиш таклифини билдиргани диққатга моликдир.

Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ — ПИРОВАРД МАҚСАД

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2019 йил якунлари таҳлил этилди. Кўрсаткичлардан аниқлаш мумкинки, кейинги уч йилда амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти янги сифат босқичига кўтарилди. Биргина мисол, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори кейинги бир йилда 3,7 баравар ошди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаштириш ва рақобатдошлигини ошириш дастурлари жадал рўёбга чиқарилмоқда. Энг асосийси, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилди.

бу кўрсаткич 34 йилни ташкил қилляпти. Халқаро валюта жағнамасининг 2019 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ЯИМ аҳоли жон бошига 1830 АҚШ долларига тенг миқдорда бўлса, бу кўрсаткич Қозғоғистонда 9139 доллар, Россияда 11 163 доллар, Беларусда 6604 долларни ташкил этишмоқда. Мамлакатда демографик босим жуда юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, жадал суръатларда ривожланмасак, аҳоли жон бошига реал даромадларимизни ошира олмаймиз.

усулларни кенгроқ қўллашни таклиф этди. Мурожаатномада давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархи тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилаётгани қайд этилди. Шунинг билан рақобат ҳолда, энди асосий эътибор нархларни белгилаш эмас, балки соғлом рақобатни таъминлашга, монополия соҳаларига хусусий секторни олиб киришга қаратилади. Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегияси ишлаб чиқилмаган бўлди.

Депутат минбари

Иқтисодий барқарорлик зарур

Бундан уч йил олдин мамлакатимиз иқтисодиёти учун ўта оғир "мерос" бўлган бир қанча муаммолар ўз ечимини топди. Яъни қўшни давлатлар билан алоқаларимиз тубдан яхши томонга ўзгарди. Пул-кредит ва валюта сиёсати замонавий бозор механизмлари ва дастаклари орқали амалга оширилди бошланди. Янги солик сиёсатига ўтишда муҳим қадамлар қўйилди. Ташқи ҳамкорлар билан ишончли муносабатлар ўрнатилди. Натижада чет эл сармоядорлари ва халқаро молия ташкилотлари бизга ишонч кўзи билан қарай бошлади. Тадбиркорларимиз сармояларини иқтисодиётга фаол йўналтиришга киришди. Умуман олганда, жамиятда иқтисодиётнинг барча йўналишида адолат принциплари қарор топди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётимизни ривожланишда тўсик бўлаётган иллатлардан ҳали ҳалос бўлолмаганимизни аққол қўрсатиб берди. Соғлиқни сақлаш, фан, таълим, қурилиш ва бошқа соҳаларда коррупция аломатларининг юқорилиги, яшрин иқтисодиётга барҳам берилмаётгани, истеъмол бозоридан нарх-навоининг нобарқарорлиги ва инфляциянинг юқори даражаси сақланиб қолаётгани, давлат иштирокидаги корхоналарда самардорликнинг пастлиги, банк тизими замон талабларидан ортда қолаётгани, банк мижозини эмас, балки ханузгача мижоз банкнинг ортидан югуриб юргани тоқат қилиб

бўлмайдиган ҳол экани очиқ-ойдин айтилди. Яна бир муҳим масала — узок вақт давомида интеграция жараёнида фаол иштирок этмаганимиз туфайли бугунги кунда меҳнат миграцияси, фуқароларимизнинг чет давлатларга бориб ишлашида жиддий муаммолар юзга келмоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг улкан транзит қобилияти ва салоҳиятидан ўта паст даражада фойдаланаётганимиз Мурожаатномасида кўрсатиб берилди.

Булардан аниқлашдики, иқтисодий барқарорлик бўлмас экан, тараққиётга эришиш мушкул. **Ҳар бир ишга қатъий ёндашув керак**

Президентимиз юртимизда 2020 йилни "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном беришни таклиф қилди ва буни барча мамнуният билан қўллаб-қувватлади. Савол туғилади. Нега илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт устувор қилиб қўйилмоқда? Ушбу суръатларимиз 5 фоиздан юқори бўлса, бюджет кўрсаткичларимиз бажарилляпти, ҳеч ким оч қолаётгани йўқ, замонимиз тинч, деб яшайверсак бўлмайдемиз? Йўқ, бўлмайди. Буни қатъий айтишимиз керак. Бугун Ўзбекистон аҳолиси Марказий Осиё давлатлари аҳоли сонининг деярли ярмини ташкил этмоқда. Бундан дунёда ўртача ҳар 50 йилда аҳоли сонини икки баробар ошса, Ўзбекистонда

Ўз-ўзини ташкиллаштириш

Физикада термоядро жараёнларига оид "ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимлар"га оид қонун мавжуд. Бундай тизимлар ички ёки ташқи шартларнинг ўзгаришига қараб, олдинги жараёнлардан келиб чиқиб, ўз тизимларини сақлаб қолиш ёки такомиллаштириш хусусиятига эга. Агарда, иқтисодиётда ҳам мана шундай тизимлар амал қилмас экан, ривожланиш бўлмайди. Бу фикрнинг тасдиғини топиш учун яна Мурожаатномага эътибор қаратамиз. Давлатимиз раҳбарининг рақобат муҳитини шакллантириш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш, иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш, оқилона бошқарушни ташкил этиш ва сифатини оширишга қаратилган бир қанча илғор фикрлари ва Ҳукумат олдига қўйган аниқ вазифалари, албатта, барчамизни қувонтирди. Иқтисодиётда ўз-ўзини ташкиллаштириш — анархия дегани эмас. Албатта, тадбиркорлик, бизнес муҳитини шакллантиришда давлатнинг роли катта, лекин бизнес фаолиятига таъсир кўрсатишининг бевосита ва билвосита усуллари ва дастаклар мавжуд. Президентимиз Мурожаатномасида айнан иқтисодиётни эркинлаштириш нуқтаи назаридан билвосита

«Драйвер» алмашадими?

Мурожаатномада айтилганидек, ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим "драйвер"ига айланаётгани ҳаммаимизни қувонтирди. Ушбу соҳа янада ривожланиши учун кенг имкониятлар борлиги айтиб ўтилди. Фаол инвестициялар бу соҳани раванг топтириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Худди шунингдек, нефть-газ, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон, металлургия, кимё ва бошқа бир қанча соҳалар ҳам ислохотлар ривож топади. Нега унда ҳали шаклланмаган рақамли иқтисодиётга бунчалар катта эътибор беряпмиз, аънанавий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантираверсак бўлмайдемиз, деган савол туғилади. Бунга жавобан Президентимиз айтганидек, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ишлаб чиқаришда рақобатбардошликни, давлат ва жамият бошқарувида эса натижадорликни оширишга хизмат қилади. Шунингдек, энг оғир иллат — коррупцияга қарши курашишда самарали восита бўлади. Таъкидлаш жоиз, айтиш мумкин, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ЯИМнинг 2,2 фоизини ташкил қилади. Бу кўрсаткич Россияда 3 фоиз, Қозғоғистонда 4 фоиз, Хитойда 6 фоиз, Жанубий Кореяда 8 фоиз. Бу борада тузилган дунё рейтингига энг етакчи давлатлар қаторига Норвегия, Швеция ва Швейцария, юқори ўнталikka эса АҚШ, Буюк Британия, Дания, Финляндия, Сингапур, Жанубий Корея ва Гонконг кирди. Рақамли иқтисодиёт деганда, электрон савдо, интернет-банкнинг, электрон тўлов

Шарофиддин НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси.

Иномжон ҚУДАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Буни сайловлар жараёнини бевосита кузатиб борган нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, ЕХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ШХТ, МДХ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши миссиялари ва хорижий мамлакатларнинг юзлаб кузатувчилари оммавий ахборот воситаларига берган интервюларидаги эътирофлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Энг муҳими, сайловчиларимиз ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши учун барча шариот яратилди ва халқимиз бу имкониятдан самарали фойдаланди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини босқичма-босқич ўзгартириш ва юксалтиришга йўналтирилган кенг қўламли, изчил ва дадил ислохотлар бераётган юксак самаралардандир.

Юксак шараф

— *Янгилаётган Ўзбекистоннинг янги парламентида халқимизнинг умиди катта.*

— Албатта! Парламент сайлови натижаларига қўра, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатини ва Сенатининг 98 нафар аъзосини рўйхатга олди. Шулардан 14 нафари Президентимизнинг Фармониға биноан Сенат аъзоси этиб тайинланди. Янги парламентнинг ҳар икки палатаси ва маҳаллий Кенгашларнинг илк мажлислари бўлиб ўтди. Сиёсий партиялар куйи палатада ўзларининг фракцияларини тўзди.

“Янги Ўзбекистон — янги сайловлар” шиори остида ўтган сайловлар натижасида конституциявий қондалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакилилик органларининг таркиби даврийлик принципи асосида янгиланиши таъминланди. Сайловлар жараёнининг давоми сифатида, ижроия ҳокимияти қайтадан шакллантирилди. Бу халқимиз ва Ватаннинг манфаатларига хизмат қиладиган адолатли қонунлар ва қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутди.

Сайловчилар, яъни 33 миллионлик халқнинг, давлатимиз раҳбарининг юксак ишончига сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган улкан шарафдир.

Халқаро кузатувчилар қайд этганидек, замонавий Ўзбекистон тарихида илк бор реал рақобат муҳитида ўтган бу галги сайловларда депутатлик, сенаторлик мандатига эришиш ҳеч қачон осон бўлгани йўқ. Бу табиий. Депутатлик мандатлари учун бешта сиёсий партиянинг номзодлари қизгин кураш олиб борди. Қанчадан-қанча муаммолар кўтарилди. Қанчадан-қанча янги гоёлар, фикрлар ўртага ташланди, танқидий гаплар айтиди. Партиялар ва номзодлар томонидан сайловолди учрашувларида қанчадан-қанча ваздалар берилди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “...ўзингиз айтинг, олднинг парламенти сайловларида мана шундай сиёсий жараёни — ютқини ютқ, камчиликни камчилик деб очик айти олиадиган муҳитни тасаввур қила олармидик?”

Шу боис парламентида бўладими, маҳаллий Кенгашларда бўладими, қайси даражадалигидан қатъи назар, энди ҳар бир депутатнинг ҳамда ҳар бир сенаторнинг зуммасида ҳар бир сайловчи, ҳар бир фуқаро, бутун халқимиз ва Президентимиз олдидан юксак масъулият юки бор. Бу шарафли юкнинг номи халқ фаровонлигини янада ошириш, Ўзбекистонимизнинг энг ривожланган демократик давлатлар сафидан мустақкам ҳоли олиши учун шу юрт фарзанди сифатида муносиб ҳисса қўшиш.

Энди халқ вакиллари ўзининг бор қучгайрати, илмий, ижодий ва лидерлик салоҳиятини ҳамда инсоний фазилатларини халқимиз ва мустақил Ватанимизнинг равнақи йўлида сафарбар этишлари лозим. Бу ҳайрли йўлда уларга улкан муваффақиятлар, қатъий ирода, қўтаринки рух, юксак ишонч ва омадлар тилаймиз.

Демократия кўзгуси

— *Газетамизда чоп этилган интервюларингиздан бирида Сиз сайловларни хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг олти юзга қичин кузатувчилари мониторинг қилиб бориши куттилатганини айтган эдингиз. Амалда кузатувчилар рекорд даражада кўп бўлди. Бунинг сабаби нимада?*

— Сабаби Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан демократик ўзгаришларга дунё ҳамжамиятининг қизиқиши катта эканлигидир. Демократик ислохотлар йўли эса халқимиз учун ақваю ягона ва энг тўғри йўл сифатида белгиланган.

Сайлов демократия кўзгуси, деган гап бежиз айтилмайди. Негаки, ҳар қандай мамлакатда очкилик, ошқоралик, сўз эркинлиги, сайлаш ва сайлиниш ҳуқуқига оид умумэътироф этилган кўплаб демократик тамойиллар амалда нечогли таъминлангани айнан сайловлар жараёнида намоян бўлади.

Бу галги сайловларнинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан мутлақо янгима ўтганини, қайд этилганидек, ўнта халқаро ташкилот, элликача қичин давлатларнинг 825 нафар кузатувчиси, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситаларининг 1155 нафар вакили бевосита кузатиб борди.

Кузатувчилар Ўзбекистонда модернизация ва демократлаштириш жараёнлари ортага қайтамас характер касб этиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳасидада очкилик ва ошқоралик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганига тўла ишонч ҳосил қилдилар.

Масалан, ЕХТнинг ДИИХБ ҳисоботи мазкур ташкилот тарихида 1999 йилдан бўён Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш билан боғлиқ барча ҳисоботида кескин фарқ қилди. Унда таъкидланди-шица, сайловлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилдан Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида ўзгаришларни босқичма-босқич амалга оширишга қаратилган кенг қамровли ислохотлари доирасида ўтказилди.

Кодекс берган имконият

— *Бу гал сайловлар биринчи марта Сайлов кодекси асосида ўтди. Унинг натижалари ҳақида нималар дейиш мумкин?*

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сайлов қонунчилиги тўбдан янгиланиб, миллий тажрибамиз ва халқаро стандартларга мос Сайлов кодекси қабул қилинмаганига, демократик сайловларни ўтказишни тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

2019 йилнинг 25 июнида Сайлов кодекси амалиётга киритилган, сайлов-

биринчи марта овоз бериш шарафига муяссар бўлгани ҳам сайлов амалиётида энг муҳим янгиликлардандир.

22 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон ички ишлар вазири Пўлат Бобождонов таъкидлаб айтдики, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида рўйхатга олинган сайловчиларнинг 2715 нафари ёки 75 фоизи соат 11:00 га қадар овоз бериш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланди.

Вазирнинг қайд этишича, сайлов кунига қадар 18 нафар депутатликка номзод, халқаро ташкилотларнинг 4 нафар кузатувчиси ҳамда бир журналист қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларидаги шахслар билан учрашувлар ўтказган.

Сайлов кодексининг 33-моддасига биноан, сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар иштирок этгани мазкур сиёсий тadbирни ўтказиш жараёнида жамоатчилик, яъни халқ назоратини сезиларли даражада ошириш, сайловларнинг очкилиги, ошқоралиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилди. Бешта сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жами 70 минг-

ҳуқуқлари ва имкониятларини янада кенгайтириш, қонуний маффаатларини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётидаги фаоллиги ва мақом-мавқеини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Камчилик ва нуқсонлар

— *Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасида Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкорликда амалга оширилганни, ҳатто унича-муна ютқулларни тан олавермайдиган ЕХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳам эътироф этди. МДХ мамлакатлари кузатув миссияси вакиллари эса юксак даражада ўтказилганини тасдиқлади. Шу билан бирга, сайлов кампанияси даврида жойларда айрим қондабузарликларга йўл қўйилгани ҳам сир эмас.*

— Сайловларни ташкил этиши ва ўтка-

Янги Ўзбекистоннинг янги сайловлари:

ЮТУҚЛАР,

МУАММОЛАР ВА

ЕЧИМЛАР

дан зиёд вакиллари биринчи марта сайловларни бевосита кузатиб борди.

Кўзларда қалқиган ёш

— *22 декабрь куни эрталаб овоз бериш учун борганимизда сайлов участкаси гажум эди. Роппа-рост соат сақкизда мамлакатимизнинг Давлат мадҳияси янгради. Ҳамма тўқчилиниб кетганини, айримларнинг кўзида ёш қалқиганини кўрдик...*

— Аввалги қонунчиликда бундай норма йўқ эди. Сайлов кодексининг 54-моддасига асосан ўтган сайловда биринчи марта барча сайлов участкаларида, жумладан, хориждаги эллик бешта сайлов участкасида ҳам овоз бериш бошланганида аввал Ватанимизнинг Давлат мадҳияси янгради. Муҳим сиёсий тadbирнинг бундай тантанавор бошланиши барчамизнинг диллимизда озод ва обод Ватанимизга фахр-ифтихор туйғуларини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Юртдошларимиз миннатдорлиги

— *Сайловларда мuddатидан олдин овоз берувчилар сонисалмоғи кескин ошганининг гувоҳи бўлдик. Бунинг аҳамияти қандай?*

— Муддатидан олдин овоз беришга оид норма — халқаро сайлов стандартларига мос. Сайловчилар учун қўлай имконият. Ушбу жараён Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан, 2017 — 18 декабрь кунлари ўтказилди. Сайлов кунини ўз ашаш жойида бўла олмаган 150 минг сайловчи, жумладан, қарийб 90 минг фуқаро хорижда мuddатидан олдин овоз берди. Бу умумий сайловчилар салмоғининг бир фоизидан ҳам кам, аммо 2014 йилги парламент сайловыида мuddатидан аввал овоз берганлардан 18 баравар кўпдир.

— *Хорижда яшаб турган барча сайловчилар учун овоз бериш имконияти яратилганини юртдошларимиз миннатдорлик билан кутиб олдилар.*

— Бу ҳам Сайлов кодексига мувофиқ яратилган қўлайлиқдир. Биринчи марта хорижда истиқомат қилаётган барча ватандошларимиз учун овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консуллик ваколационаларидан расман рўйхатдан ўтган фуқароларгина овоз беришга қатнашарди. Рақамларга чақадан бўлсақ, бу гал 38 мамлакатда ташкил этилган эллик бешта сайлов участкасида 2014 йилдангидан 10 баравардан кўпроқ — 112 411 нафар сайловчи овоз берди.

Ёрқин самара

— *Мирзо Улугбек Элчевич, янги парламентимизнинг куйи палатасини ижтимоий тармоқларда кимдир ҳазиллашиб “хонимлар ижодхонаси” деб атабди.*

— Қуйи палатада қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган депутатларнинг 48 нафари — 2014 йилдангидан кўра 3 баравар кўп — аёллардир. Бунга Сенатдаги ва маҳаллий Кенгашлардаги минглаб хотин-қизларни қўшсангиз, уларнинг халқ вакиллик органларидаги салмоғи янада ошади.

Бу мамлакатимизда гендер тенглиги ва бағрикенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қарорлар қабул қилинишидаги иштирокини, сайлов

зиш ўта масъулиятли жараён, кўпнинг кўмаги билан битадиган, кўп вақт талаб қиладиган, серзаҳмат иш. Овоз бериш жараёнида 10 мингдан ортиқ сайлов участкаларида 180 мингга қичин одамлар иш олиб борди. Гарчи улар, яъни участка сайлов комиссиялари аъзолари, сайлов қонунчилиги бўйича малакали экспертлар томонидан семинар-тренинглarda астойдил ўқитилган ва кўникмаси оширилган бўлса-да, касби сайлов амалиёти билан бевосита боғлиқ эмаслигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Уларнинг кўпчилиги ўқитувчилар, оддий фуқаролар ёки жамоат ташкилотлари вакиллари дидир. Қай биридир эътиборсизлик ёки бепарволик қилиши ва атагга йўл қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Камчилик ва нуқсонлар, яъни бири киши томонидан бир неча сайловчи ўрнига овоз беришга, сайлов кунини муайян номзодни алқаб ташвиқот юритишга уриниш, овоз бериш ақунарига доир ҳужжатларни нотўғри расмийлаштириш илгари ҳам бўлган. Фақат очик айтилмаган. Бир олинмаган.

Янгилаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг шарафати шундаки, нафақат қўлга киритилаётган ютқуллар, балки мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳам баралла айтилиб, уларни бартарф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинмокда.

Сайловлар жараёнида йўл қўйилган баъзи камчиликларни бартарф этишда депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, айниқса, ижтимоий тармоқлардаги юртдошларимиз ва блогерларнинг хизмати катта бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартарф этиш устида ҳозирдан бошлаб жиддий ўйлаш зарурилигини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, жорий йилда халқаро экспертлар иштирокида форум ўтказиш ҳақидаги тақлифни тўла қўлаб-қувватланган сайлов тизимини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.

Эндиги мақсадимиз — белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширишдан иборат.

Кенг қўламли ўрганиш

— *Сайлов участкаларининг аъзолари сайлов қонунчилиги бўйича ўқитилгани ва кўникмаси оширилгани ҳақида гапирдингиз. Бундай семинар-тренинглар аввалги сайловлар арафасида ҳам ўтказилган. Фарқи нимада?*

— Сайлов кодекси қабул қилиниши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларга тайёргарлик қўриш бўйича асосий тadbирлар дастури қабул қилинди. Дастурда белгиланган қўламли вазифалардан бири — барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитишга ҳар қачонгидан эрта — 3 августдан киришилди, 8 босқичли семинар-тренинглarda замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилди.

Қоридан қуйига қараб кенгайиб, тақомиллашиб борадиган ва интерфeал усуллар устуворлик касб этган ўқитишлар жараёнида мамлакатимиз бўйича 180 мингга қичин сайлов малака оширди. 20 октябрдан 20 ноябргача ўтказилган сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги тadbирлари эса, кузатувчилар эътироф этганидек, умуммиллий қўламли касб этиб, миллионлаб сайловчиларни қамраб олди.

Бундай кенг қўламли ўқитиш ва тарғибот ишлари мамлакатимиз тарихида биринчи марта ташкил этилди.

Илгари бундай тadbирлар сайлов кампанияси эълон қилинганидан сўнг — кеч қўламли бўлганар, машғулотлар қўламли бутун тумандаги сайлов комиссиялари раҳбарлари аъзолари — 300 — 400 киши бир маҳабатли залга йигилиб, уларга икки-уч соат узундан-узун ва зерикарли маърузалар ўқишдангана иборат бўларди. Сабаби — вақт тигиз, молиявий имкониятлар малакали мутахассислару экспертларни ўқитиш жараёнига кенг жалб этиш имконини бермасди.

Мурожаатлар эътиборсиз қолмайди

— *Сайловлар жараёнида аҳолининг мурожаатлари ва шикоятлари сони одатдагидан кўпайган бўлса керак?*

— Сайловлар жараёнида мурожаатлар ҳар қачонгидан кўп бўлди. Бу — жамиятимизда очкилик ва ошқоралик муҳитининг тобора мустақкам қарор топиб, халқимизда адолатга бўлган ишонч, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларни қучайиб бораётганидан далолатдир.

Сайловчиларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор билан қараш, сайлов қонунчилиги ижросини назорат қилиш — Марказий сайлов комиссиясининг, умуман, барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолиятининг бош йўналиши. Бирорта мурожаат эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида сайлов кампанияси аввалидан то жорий йилнинг 7 январигача “Ишонч телефони” (“Call center”) ишлаб турди. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳолининг 1197 йепул кўнса рақамли, хорижда истиқомат қилиб турган фуқароларининг эса (998) 55-502-44-44 рақамли телефон орқали тушган барча мурожаатларига Марказий сайлов комиссиясининг масъул ходимлари, сайлов бўйича етакчи экспертлар ва олимпдарин иборат навбатчилик гуруҳи томонидан ўз вақтида малакали жавоблар қайтарилди. Тушган 1021 мурожаатнинг бирортаси эътибордан четда қолгани йўқ.

Сайловлар муносабати билан аҳоли мурожаатларининг тезкорлик билан ва қонуний қўриб қичилишини таъминлаш мақсадига Ўзбекистон Республикаси Олий суди расининг 2019 йил 13 декабрдаги фармойишиға биноан, Олий судда ҳамда барча судларда штаблар тузилиб, 2019 йилнинг 16 декабрдан 2020 йилнинг 3 январига қадар ҳамма вилоятлар ва туман (шаҳар) маъмурий судларида судьяларнинг мунтазам навбатчилиги ташкил этилди. Бундай навбатчилик прокуратура, ички ишлар органларининг барча бўғинларида ҳам йўлга қўйилди.

Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда сайлов қонунчилигининг бузилиши борасида эълон қилинган барча хабарларга тезкорлик билан муносабат билдирилди. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари, етакчи мутахассислари, зарур ҳолатларда прокуратура органлари вакиллари билан биргаликда қондабузарлик содир этилган жойларга зудлик билан етиб бориб, масалани синчилаб ўрганди. Тегишли чора-тadbирлар қўрилди. Тегишли органлар томонидан маъмурий ишлар очилган ҳолатлар ҳам бўлди.

Буларнинг барчасини мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг, айниқса, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва эътибор юксалиб бораётганининг яққол далили сифатида қўриш мумкин.

Истифода ва ифода

— *Сайловлар жараёнида энг кўп истифода этилган сўзлар очкилик ва ошқоралик бўлди. Бундай демократик тамойиллар қандай таъминланди?*

— Сайловларда фақат овоз бериш яширин кеңди. Барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини очик-ошқор ва шаффоф олиб борди.

Сайлов кампанияси мониторингини юритган экспертларнинг маълумотлариға қараганда, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ижтимоий тармоқлар ҳамда телеграм каналларида турли тилларда сайловларга бағишланган жами 42 мингдан ортиқ, жумладан, 4 мингга қичин танқидий руҳдаги қичишлар қайд этилди.

Сиёсий партиялар ўртасида депутатлик ўринлари учун кураш қутилганидан ҳам қичикарли бўлганидан хабарингиз бор. Буни сайловдоли ўрашувларида, теледебатларида, оммавий ахборот воситаларидаги қичишларда, ижтимоий тармоқлар, сиёсий партиялар веб-сайтларида, шунингдек, интернет-нашрларда, илгари миллий сайловларимиз амалиётида кузатилмаган митингларда, марфeонларда қўриш мумкин эди. Тadbирларда юз минггаб сайловчилар иштирок этди.

Бу ҳам мамлакатимизда мустақкам қарор топиб бораётган сўз ва матбуот эркинлигининг амалдаги ўзига хос намояндидир.

Оғир ишнинг енгил кўчиши

— *Рақамли иқтисодиётта фeол ўтиш 2020 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида қандай режалар бор?*

— Мамлакатимизда бу борада изчил ишлар бошланганиға икки йилдан ошди. Жумладан, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди ва ўтган сайловларда муваффақиятли қўлланилди. Мазкур янгиликка сайлов ҳуқуқи бўйича етакчи мутахассислар, жумладан, халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан “инновацион ўзгариш” деб таъриф берилди. Чунки ўшбу тизимнинг халқаро андозалардаги “бир сайловчи — бир овоз” тамойилини амалга оширишдаги ўрни беҳисдоёр.

“Saylov-2019” мобил иловасининг ишга туширилиши ҳам ана шундай муҳим янгилик сифатида миллионлаб сайловчилар, сайлов ташкилотчилар, экспертлар, кузатувчилар, номзодлар, партиялар фаолларининг оғирини енгил қилди. Иловоға сайлов бўйича барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, барча даражадаги сайлов комиссияларининг таркиби, манзили, телефон рақамларига оид маълумотлар, сайлов иштирокчиларига мўлжалланган ўқув материаллари, эслатма ва услубий тавсиялар, электрон кутубхона ҳамда саволларга жавоблар ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида жойланди.

Мобил илово, айниқса, турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларининг ишида қўл келгани борасида кўплаб эътирофларни эшитдик.

Айни пайтда сайлов кунин мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги олтимишта сайлов участкасига тажриба-синов сифатида ўрнатилган 120 видеокамера сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказига ва интернет орқали онлайн режимда бутун дунёга намойиш қилиб турди. Йигирмата сайлов участкасида овоз бериш чоғида фуқароларнинг шахсини аниқлаш учун биометрик ҳужжатларни “қўйидиган” олтимишта қурилмадан тажриба сифатида фойдаланилди.

Президентимизнинг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёниға замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ миллий сайлов тизимида изчил ва тизимли равишда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар қўлами ва салмоғи Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида янада ошади.

Такомилда ҳикмат кўп

— *Амалиётдан келиб чиқиб, сайлов қонунчилигини янада тақомиллаштириш борасида тақлифлар ҳам тушгандир?*

— Бундай тақлифлар доим бўлган. Сайлов қонунчилиги миллий ҳуқуқий тизимдаги энг самарали ва изчил ривожланаётган йўналишлардан биридир. Уни тақомиллаштириш, ўқий-ўрганиш — давоми жараён.

Эътибор берган бўлсангиз, илгари овоз бериш каллаи сахардан — соат олтида бошланар ва 14 соат давом этарди. Жоамоатчиликнинг фикрини инобатга олиб, Сайлов кодексига овоз бериш соат сақкиздан йигирмагача белгиланган жуда тўғри иш бўлганлиги сайловларда ўз тасдиғини топди.

Энди тақлифлар бўлганлики, сайловларни ўтказиш вақти қорли-қировли, совуқ қиш фeслидан очик-ёзқ баҳор ёки илқ куз ойларига қўчилди, аҳоли учун яна бир қўлайлик яратилар эди.

Сайлов кунин овозларни санаб қичиш ва дастлабки ҳисоб-китоб натижаларини Марказий сайлов комиссиясига расман юбориш механизмларини тезлаштириш ва тақомиллаштириш масалаларини қўриб қичиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Бунда рақамли технологиялардан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Умид қиламизки, мамлакатимизнинг янги парламенти сайлов қонунчилиғига киритилиши мумкин бўлган бундай тақлифларни инобатга олади.

Утган сайловлар Ўзбекистон демократик ўзгаришлар ва

«ТУРОНБАНК» РОССИЯ БАНКИ БИЛАН 101,3 МИЛЛИОН ЕВРОГА ТЕНГ ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАДИ

Мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбалари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, улардан унумли фойдаланиш, шунингдек, мавжуд гидроэлектростанцияларни модернизация қилиш ҳамда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича халқаро ҳамкорлик ишлари ҳам олиб бориляпти. Жумладан, "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида "Туронбанк" АТБ билан Россиянинг "Ривожланиш ва ташқи иқтисодий фаолият банки" давлат корпорацияси раҳбарияти ўртасида яна учта гидроэлектростанцияни қуриш ва 1 ГЭСни модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 101,3 миллион еврога тенг 3 та қарз шартномаси имзолангани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Хамкорлик

Президентимизнинг "2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини

ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, республикамизнинг иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳасида бу борада кенг қўламли ишлар амалга

оширилмоқда. Хусусан, мазкур ҳужжат ижроси юзасидан "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ва "Туронбанк" АТБ томонидан шу кунга қадар 14 та кичик ГЭС қуриш ва мавжуд ГЭСларни замон талабларига мослаштириш мақсадида Хитой Эксимбанкидан 209,9 миллион АКШ долларига тенг кредит линиялари жалб этилди.

Шу каби саъй-ҳаракатлар натижасида 2019 йилда лойиҳа қуввати 11,4 мВт, ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 38,4 миллион кВт/с бўлган "Тяньбэй сув омбори қошида кичик ГЭС қурилиши" ва лойиҳа қуввати 12,0 мВт, ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 72,8 миллион кВт/с "Катта Фарғона каналида кичик ГЭСлар каскади қурилиши" лойиҳалари амалга оширилди.

Жорий йилда эса худди шундай яна 7 та замонавий гидроэлектростанция ишга туширилиши режалаштирилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг қарориди

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



2019/2020 ўқув йилида институтнинг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларини иш ўринларига тақсимлаш жараёни бошланганлигини маълум қилади.

2019/2020 ўқув йилида институтни тамомлаётган битирувчиларга турли корхона ва ташкилотлардан 2000 га яқин буюртмалар келиб тушган. Шу билан бирга, битирувчиларни ишга тақсимлашда республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олиш, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бор корхоналарнинг талабларини қондириш ва битирувчиларга тақсимот жараёнида иш жойини танлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида институт томонидан буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда. Институтни тамомлаётган кадрларга эҳтиёжи мавжуд хўжалик субъектлари раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2020 йилнинг 12 февралигача институт ректоратига мурожаат қилишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реқвизитлари (почта манзили, телефон рақами) ҳамда тақдим этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши талаб қилинади.

Бундан ташқари, мутахассисларга эҳтиёжи бор барча корхона, ташкилот, шунингдек, тумандаги ҳокимликлар, бандликка кўмаклашиш маркази масъул ходимларини битирувчилар билан бевосита суҳбат ўтказиш, ишга танлаб олиш ҳамда шартномалар расмийлаштириш учун 2020 йил 14-15 февраль кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача институтда ўтказиладиган «Карьера кунлари» меҳнат ярмаркаси тадбирларига стенд ва тақдимот материаллари билан иштирок этишга тақлиф қиламиз. Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан институт веб-сайти (http://tfi.uz)даги битирувчилар бўлимида танишиш мумкин.

Йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

2019/2020 ўқув йилида БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР Тўғрисида МАЪЛУМОТ

Table with 13 columns: T/p, Бакалаврият таълим йўналишларининг номи, Жами битирувчилар сони, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Қашқадарё вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Хоразм вилояти, Тошкент шаҳри

2019/2020 ўқув йилида БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР Тўғрисида МАЪЛУМОТ

Table with 13 columns: T/p, Магистратура мутахассисликларининг номи, Жами битирувчилар сони, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Қашқадарё вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Хоразм вилояти, Тошкент шаҳри

Маълумотлар учун телефонлар: 71-234-41-39, 97-410-78-64 — Ў. Дўсбоев, факс: 71-234-11-43.

Тошкент молия институтининг буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторингни бўлими. Манзил 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 60-«А» уй, e-mail marketing@tfi.uz

QISHLOQQURILISHBANK

ОМОНАТЛАР — ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

Пул доим ҳаракатда бўлиши керак. Ана шунда у фойда келтиради. Айниқса, жамғариб бориладиган маблағлар фойдаланилмаса, унинг қиймати пасайиб бориши табиий жараён. Шу боис иқтисодчилар аҳоли бундай пул маблағларини банк омонатига қўйишни тавсия этишади. Бу уни тўлиқ сақлабгина қолмай, балки қўлайтириш имконини ҳам беради.

Хизмат

"Қишлоқ қурилиш банк" бошқаруви раиси ўринбосари Фарҳод Ғофуровнинг айтишича, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг омонат сиёсати мазмун-моҳиятига кўра, аҳолининг иқтисодий фаолияти, турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, шу мақсадда юқори фойзлик ва жозибдор омонат турлари ишлаб чиқилляпти. Натижада омонат хизматидан фойдаланувчилар сони тобора ортомқда. Бунга 2019 йилда ушбу йўналишда эришилган натижалар яққол мисол бўла олади.

Ғофуровнинг айтишича, аҳолининг бундай омонатларга жалб қилиш бўйича қўрилган амалий чора-тадбирлар туфайли жами омонатчилар сони 110 844 нафарга етди. Бошқача айтганда, йил бошидаги нисбатан 12 минг нафарга қўлайиб, омонатлардаги маблағларнинг (баланс бўйича) қолдиги йил бошидаги 545,0 млрд. сўмдан 645,0 млрд. сўмга етказилди. Бу 100,0 млрд. сўм орттишига эришилди, дегандир. Ваҳоланки, 2018 йил якунида омонатлар қолдиги 443 млрд. сўмни ташкил этганди.

Табиий савол туғилади: "Қишлоқ қурилиш банк" омонатларининг қулайлиги, ўзига хослиги нимада?

— Биз тақлиф қилаётган омонатларнинг афзаллиги, аввало, улар қулай бўлиб, мижозларга бундан ташқари маблағларини янада самарали фойдаланиш имконини беради, — дейди "Қишлоқ қурилиш банк"нинг банк омонатлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жамолiddин Одиллов. — Омонатга қўйилган маблағдан ҳар қандай шариоҳида ҳам фойда олиш мумкин. Масалан, депозитдаги маблағингизни муддатидан олдин қайтариб олишга эҳтиёж сезилди. Шундай вазиятда ҳам ўша сақланган давр учун фойз тўлаб берилди. Айтайлик, йиллик 23 фоизли "Барак" муддатли омонатимиз 13 ойдан 25 ойгача мўлжалланган бўлиб, бунга қўйилган маблағлар 1 — 3 ой ичида қайтариб олинса, 16 фоиз, 4 — 6 ойда 18 фоиз, 7 — 9 ойда 19 фоиз, 10 — 12 ойда 21 фоиз миқдорда фойз тўлаб берилди. Мухими, шартнома шартлари бузилган ҳисобланмай-

ди. Ўз навбатида, депозит миқдорини қўшимча маблағлар эвазига қўлайитиб беришигиз ҳам мумкин.

Бугунги кунда банк томонидан аҳолига 12 турдаги омонат тақлиф этилмоқда. Унинг 9 таси миллий валюта бўлса, 3 таси хорижий валютада. Турлари бўйича таснифланганда, 7 таси жамғарма, 3 таси муддатли, қолган 2 таси эса талаб қилиб олингунча омонатлардир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос жозибдорликка эга эканлиги банкнинг депозит базаси мустақамланишига, банкнинг узоқ муддатли омонатлари орттиши эса ижобий ўзгаришларга мустақам пойдевор бўлмоқда. 2019 йилда банкдаги узоқ муддатли омонатлар йил бошидаги нисбатан 239,0 млрд. сўмга (ёки 270 фоиз) ортганлиги банк молиявий имкониятларини янада кенгайтирди.

— Менга "Қишлоқ қурилиш банк" омонатлари ҳар томонлама мақбۇл, — дейди банк мижозларидан бири, тошкентлик Саида Котова. — 20 йилдан бунён шу банк омонатчисиман. Сабаби хизмат кўрсатиш сифати юқори, ходимлари ўта хушмуомала, энг асосийси, омонатларнинг фойзи баланд. Миллий валютадаги "Барак", "Рағбат", "Фаровон" муддатли омонатлари бунга мисол бўла олади. Шунинг учун бундай пул маблағларини шу банк омонатларига жойлаштириб, яхшигина даромад оламан.

Банк жамоаси эришилган ютуқлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Омонатларга янада кўпроқ маблағ жалб этиш мақсадида хизматлар мунтазам равишда такомиллаштириб боришмоқда, мижозларга қўшимча қулайликлар яратилляпти. Бу ҳақда сўз юритилганда, молия муассасаси томонидан жисмоний

"Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси жорий йилда жами омонатлар қолдигини 770 млрд. сўмга, шундан узоқ муддатли омонатларни 570 млрд. сўмга етказишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Бу борада амалий ишларга киришилган бўлиб, янада самарали ва жозибали саналган "Янги мақсад", "Мақсад сари" ва "Ипотекага бошлангич бадал" омонат турлари жорий қилиниши арасида турибди. Шу ва бошқа омонат турлари нафақат пул маблағингизни ишончли сақлайди, балки юқори даромад ҳам келтиради. Бинобарин, банкнинг замонавий банк хизматлари аҳоли ҳаётини янада фаровон қилишдек эзгу мақсад-муддаога қаратилгандир.

шахсларнинг вақтини тежаш ва омонатчилар билан масофавий муносабатларни ривожлантириш учун жорий қилинган "Depozit banking" мобил дастури ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Унинг ёрдамида омонатчилар ўз депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлари доирасида нақдсиз амалиётларни банка келмасдан шахсий мобил телефонлари орқали бажариши, омонатлари бўйича маълумот олиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, мижозларнинг омонатлари "Фурқоролларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш қафолатлари тўғрисида"ги Қонун билан қафолатланади. Шундай бўлса-да, аҳоли маблағларини ишончли сақлаш, ҳимоясини янада қўлайитириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Омонатлар билан боғлиқ операциялар мижозлар иштирокида амалга оширилишига йўл қўймаслик мақсадида шахсининг бармоқ излари намунасида фойдаланиши — "Биометрик идентификация" тизими жорий қилинганлиги диққатга сазовор.

Унинг афзалликлари кўп. Масалан, омонат ҳисобваракларидаги маблағлар билан боғлиқ барча операциялар фақат эгасининг бевосита иштироки билангина бажарилади. Омонат маблағларига нисбатан банк ходимларининг дахлсизлиги таъминланади.

2020 йилнинг иккинчи чорада депозит картаси жорий қилинаётгани омонатчилар учун яна бир янгиликдир. Бунинг натижасида омонат дафтарақларига ҳоҳват қолмайди. Массофадан хизмат кўрсатилиб, ҳисобланган фойз ўша картага ташлаб берилди. Шу билан бирга, омонатга маблағ қабул қилиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш вақтини икки бараварга қисқартириш учун соддаштирилган тартиб ишлаб чиқилмоқда. У амалиётга жорий этилган, битта мижоз учун айна пайтада ўртача 20 — 25 дақиқа сарфланаётган бўлса, бу жараён янада тезлашиб, мижоз ўз ишини битиги 10 — 15 дақиқа ичида битказиб кетади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясининг Бошқарув маҳорати кафедрасининг катта ўқитувчиси, Давлат бошқарувининг сиёсий асослари кафедрасининг катта ўқитувчиси, Маънавият ва маърифат кафедрасининг катта ўқитувчиси ҳамда Менежмент назарияси ва амалиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Ректор номига ариза. 2. Ишловчининг шахсий варақаси. 3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари. 4. Паспорт нусхаси. 5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда). 6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Қаримов кўчаси, 45-уй. Телефонлар: 71-232-60-62, 71-239-89-00.

АБИТУРИЕНТЛАР ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4524-сонли «Тошкент шаҳрида Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқларо амалий техник квалификациялар институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ушбу институтга 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ишлаб чиқариш ва техник таълим йўналишлари бўйича талабалар ўқишга қабул қилиниши муносабати билан Тошкент давлат техника университети базасида ёшларни мақсаддан тайёрлаш учун рус тили, математика, физика ва кимё фанларидан тайёрлов курслари ташкил этилди.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳридаги Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқларо амалий техник квалификациялар институтига ўқиш истагини билдирган барча абитуриентларни ушбу тайёрлов курсларида таълим олишга тақлиф қиламиз.

Тайёрлов курсларида таълим олиш шартнома асосида амалга оширилади. Дарс машғулотлари Тошкент давлат техника университетидида фаолият кўрсатаётган тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

Тингловчиларга яқиний тестларнинг ижобий натижаларига кўра курсни битирганлик ҳақида сертификат берилди.

Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишигиз мумкин: 71-246-92-36, 99-807-15-74.

Янги Ўзбекистоннинг умидли ёшлари: «ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИ БИЗНИ ЎЗ САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИАТЛАРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН САРФЛАШГА УНДАЙДИ»



Аробиддин ТўРА, АҚШнинг "Wells Fargo Bank" ходими, собик "Умид" жамғармаси стипендианти:

Чунки Президент Шавкат Мирзиёев сўзларида биз эшитмоқчи бўлган асосий масалаларга урғу берилди, эришилган ютуқлар, олдинда турган муаммолар, кейинги беш йиллик режалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилгани ҳаммамизни қувонтирди.

Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар натижа бериши учун энг асосий давлат бошқаруви тизими сифатини янада яхшилаш лозим, деб биланам. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари ҳам алоҳида таъкидлади.

Адхам ХУДАЙКУЛОВ, Кембриж университети докторанти, "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендианти:

— Шу юрт фарзанди сифатида Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасини катта қизиқиш билан тингладим. Унда, асосан, яқин келажакдаги муҳим вазифалар илгари сурилган бўлса-да, кўтарилган масалалар моҳиятан юқори стратегия аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!" деди. Шундан келиб чиқиб, таълим соҳасини янада ислоҳ қилиш юзасидан муҳим ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқш мuddатини 3 йил қилиб белгилаш бўйича билдирилган тақдирини катта воқелик сифатида қабул қилдим. Ушбу ташаббусларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти ниҳоятда юқори бўлиб, у, энг аввало, иқти-

содиётнинг муҳим соҳаларига кадрлар етказиб бериш суръатини жадаллаштиради, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанларни камайитириш орқали талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича билим ва кўникмаларини янада пухта эгаллашларига замин яратди.

Шунингдек, олий ўқув юртиларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайитириш ташаббуси, бир томондан, ижтимоий адолат мезонини сифатида талқин қилинса, иккинчи томондан, мамлакат келажакига қилинаётган энг муҳим инвестиция деса, муволафа бўлмайди.

Кембриж университетида илмий фаолият юри-таётганим боис, ушбу мамлакатдаги таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар асосини таҳлил қилиб, айтишим мумкинки, мамлакатимизда тизимда олиб борилаётган исло-



Ҳамза ТУРСУЙЕВ, собик "Умид" жамғармаси стипендианти (Канада):

— Президентимизнинг "демократик ислохотлар йўли — биз учун ақшоқ ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар қуни изланишдамиз, хориждаги илгор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз", деган сўзлари бизни жуда ҳам илҳомлантирди. Бинобарин, халқимизнинг ушбу улғу мақсад томон ташлаган ҳар бир қадамида мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан, Президентимизга елкадош бўлишни қалбимизда жо қилдик.

Мурожаатнома Ўзбекистонда демократик-хуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилаётган ислохотлар орта-қайтмаслигига, яқин истиқболда улар янада кенг қулоқ ёзишига ишончимизни мустаҳкамлади.

Ниҳоят, олис Канада диёридан туриб мамлакатимизда бўлаётган ис-



лохотларни қўллаб-қувватлашнинг мумкинлигига аминман. Масалан, Энергетика ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиқларининг норасмий ва беғараз вакили ўлароқ, хориж инвесторлари билан Ўзбекистон ўртасида кўприк вазифасини бажаришим мумкин. Шу билан бирга, агар мамлакатимиз раҳбарияти ишонч билдирса, яқин келажакда Ватанимизга катта амалиётга эга профессионал мутахассис сифатида қайтиб, энергетика соҳасида давлат-хусусий шериклиги асосида амалга ошириладиган сармоялардан мақсадли ва тизимли фойдаланишда ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

Отабек ЖўРАЕВ, Корея Республикаси Сежон университети Халқаро алоқалар департаменти худудий бўлими раҳбари:



— Тақдир тақозоси билан хорижда фаолият юритаётган бўлсам-да, ҳар лаҳза, ҳар он Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларни кузатиб борамиз, эришилаётган ютуқлардан қувонамиз. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглаб, халқимиз катта марраларни кўзлаётгани, жажонда тенглар ичра тенг бўлишни ният қилганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Мурожаатномада кўтарилган ҳар бир масала бугунги куннинг ҳақиқатини, халқимиз олдида турган энг катта муаммоларни ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ чораларни қамраб олган. Юртимизимиз ҳар бир масалага алоҳида тўхталиб, самимий ва очиқ мурожаат билан чиқди.

Ўзбекистонда 2020 йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб номланган Президентимизнинг мазкур соҳага қанчалик катта аҳамият бераётганини аналтади.

Дарҳақиқат, XXI аср — ахборот асри, интернет ва у билан боғлиқ технологиялар замонидир. Бугунги кунда рақамли технологиялар кириб бормаган соҳа деярли қолмади. Дунёдаги иқтисодиёт энг кўдратли давлатлар рақамли технологиялар ва илм-фанга эътибор қаратиб, катта ютуқларга эришмоқда. Айнан шу соҳаларда яратилган махсулот ва хизматларнинг қўшилган қиймати, самардорлиги ва рақобатбардорлиги юқори.

Жанубий Кореяда яшаганлигим сабабли ушбу мамлакат қандай қилиб тарихан қисқа мuddат ичида

иқтисодиётини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиққанлиги доимо эътиборимни тортади. Мазкур давлат бундай ютуқларга, аввало, таълим ва илм-фанни энг устувор йўналиш қилиб танлаганлиги сабабли эришган. Ривожланишнинг илк йиллариданоқ мактаб ўқувчилари онгига камбағалликни енгишнинг ягона йўли — илм-фанни энг устувор йўналиш қилиб танлаганлиги сабабли эришган. Ривожланишнинг илк йиллариданоқ мактаб ўқувчилари онгига камбағалликни енгишнинг ягона йўли — илм-фанни энг устувор йўналиш қилиб танлаганлиги сабабли эришган. Ривожланишнинг илк йиллариданоқ мактаб ўқувчилари онгига камбағалликни енгишнинг ягона йўли — илм-фанни энг устувор йўналиш қилиб танлаганлиги сабабли эришган.

Давлатимиз раҳбари илм-фан, таълим соҳаси, умуман, инсон капитални иқтисодий ислохотлар "драйвери" сифатида кўраётганлиги мени қувонтирди. Мен бу борада "Эл-юрт умиди" жамғармаси билан амалий лойиҳалар устида ишламоқдам. Уйлайманки, биз, хорижда истиқомат қилаётган ёшлар Президентимизнинг ёнида туриб, ўз самарали меҳнатимиз билан Ватанимиз рақамли учун муносиб ҳисса қўшамиз.

«Халқ сўзи».

Кулайлик МЎЙНОҚДА ЗАМОНАВИЙ АВТОВОКЗАЛ

Бош прокуратура ташаббуси билан Мўйноқ туманида янги автовокзал қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур лойиҳа қиймати 1 миллиард сўмни ташкил этади. Автовокзал биноси қурилиши учун туман марказига киришдаги Ажинияз кўчаси бўйида ер майдони ажратилиб, бунёдкорлик ишлари ўтган йилнинг октябр ойида бошланганди. Орадан кўп ўтмай ушбу

худудда замонавий автотураргоҳ қурилди.

Автовокзал савдо, автотранспортлар учун эҳтиёт қисмлар дўконлари, диспетчер, она ва бола хоналари ҳамда йўловчилар учун кутиш жойларини ўз ичига олган.

Тиббиёт ЎЗБЕКИСТОНДА «КЎЗ БАНКИ» ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ МУМКИН

Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмаги билан Доктор Мақсудова инновацион клиникасида АҚШнинг Флорида штати Тампа шаҳрида жойлашган "Lions Eye Institute for Transplant and Research" клиникасининг юқори малакали кўз микрожарроҳларини жалб этган ҳолда маҳорат дарслари ўтказилди.

Унинг давомида кўз шохпарда касаллиги билан узоқ йиллардан бери хасталаниб келаётган 25 нафар ҳамюртимиз мутахассислардан бепул консултация олишди, 4 нафар беморда нобё микрожарроҳлик амалиёти ўтказилди, шунингдек, 4 нафар маҳаллий офталможарроҳ ўқитилар, махсус сертифицикатлар топширилди.

— Ҳозирги кунда кўз шохпардаси трансплантацияси бўйича амалга ошириладиган жарроҳлик амалиётининг нархи 20 — 25 миллион сўмни ташкил этади, — дейди клиника раҳбари Зулфия Мақсудова. — Агар биз

Ўзбекистонда кўз банкини ташкил этсак, у ҳолда бу операциянинг нархи бир неча бараварга арзонлашади. Ваҳолонки, ҳозирги кунда бизнинг клиникамизда шундай турдаги жарроҳлик амалиёти бошқа шифохоналарга нисбатан 40 фоиз арзонроққа бажарилмоқда. Бунинг учун хуқуқий-меъёрий кўжатларни қабул қилиш кифоя. Негаки, бизнинг клиникамиз техник жиҳатдан бундай операциялар қилишга тайёр — энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, жарроҳларимизнинг ҳам тажрибаси етарли.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«АСАКА» БАНКИНИНГ ЮТУҚЛАРИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

«Асака» банки мамлакатимиз молия бозорига чорак асрдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирги кунда банкда трансформация жараёнлари кетаётган бўлиб, муваффақиятли фаолият юритиш, рақобатбардош, энг асосийси, миждозларнинг юксак ишончига сазовор бўлиш йўлида дадил қадамлар ташланаётир.

Молия муассасаларида



Маълумки, сўнгги йилларда юртимизда жаҳон бозорига катта талабга эга бўлган, машҳур ва истиқболли узум навларини етиштириш, саноатбон узумзорларни кўпайитириш, техник узум майдонларини кенгайтириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда «Асака» акциядорлик тижорат банки қошида банк ходимлари ва мутахассисларидан иборат махсус гуруҳ

кўзда тутувчи бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқди ва молиялаштирмоқда.

«Асака» банки 2019 йилда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тааллуқли 308 та лойиҳани қўллаб-қувватлаб, 12 минг 545 та янги иш ўрни яратилишига ҳисса қўшди. Жумладан, «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг ПВХ, металл ва каустик сода ишлаб чиқариш комплексини қуришга 439,8 миллион АҚШ доллари ажратилишига мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 408,3 миллион АҚШ доллари ажратилган ва ушбу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шунингдек, Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида жойлашган флот ойналар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Кварц» акциядорлик жамиятига 36,4 миллион евро микдорда кредит берилиши кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда 4,45 миллион евро ажратилган. Ушбу лойиҳалар келгусида мамлакатимиз саноати ривожини устун қилиб қлади.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами активлари 34,7 триллион сўмни ташкил этмоқда. Ўтган йили бу рақам

30,4 триллион сўмдан иборат эди. Жами кредит қўйилмалари, брутто 26,3 триллион сўмга етган. Банк томонидан чиқарилган пластик карточкалар сони айни пайтда 2 097 210 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ўрнатилган банкоматларнинг умумий сони 136 тага етказилди. Бу ўтган йил билан таққослаганда, деярли икки баробар кўп, 80 мингга яқин янги омонатчилар жалб қилинди. 41 мингдан зиёд жисмоний шахсларга кредитлар берилди. Умумий қиймати қарийб 786 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳалар молиялаштирилди.

Истиқболли турли инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун кўплаб халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредит линиялари жалб қилинди. Россиянинг «Сбербанк», Грузиянинг «ТБС» банки ва бошқа чет эл молия муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Қисқаси, 2019 йилда қатор ютуқларга эришилди ва халқаро ҳамкорлик кўлами кенгайди. Энг асосийси, сентябрь ойида «Аса-

ка» банки ҳамда Европа тиклаш ва тараққийёт банки ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Декабрь ойида Япониянинг «SMBC» молия муассасаси билан қиймати 100 миллион АҚШ доллари бўлган ҳамкорлик келишувининг имзолангани эса 2019 йил, чиндан ҳам, муваффақиятли аюланди, дейишга яна бир асос бўла олади.

Бундан ташқари, «Асака» банки декабрь ойида савдо ва молиявий алоқаларни ривожлантириш учун «JP Morgan Chase» банкининг, Ўзбекистондаги энг йирик инвестиция лойиҳаси учун эса «Commerzbank» (Германия)нинг муқофотларига сазовор бўлди.

Шу кунларда банк томонидан миждозларга «Онлайн», «Аванс», «Юқори даромад» омонатлари тавсия этилмоқда. Трансформация жараёнларини давом эттираётган «Асака» банки 2020 йилда ҳам янада замонавий хизмат турларини ишлаб чиқиш, кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Банк матбуот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер терминали ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» напирет-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукuroв.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» напирет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 01.00 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6